



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

«КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ» КАФЕДРАСИ

Доценти Пардаева Зулфизар Алимовнанинг

«Молиявий ҳисоб» фанидан

«Иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ва
чегириладиган суммалар ҳисоби»

мавзусидаги тақдироти

ТОШКЕНТ-2015

Мавзу. Иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ва чегириладиган суммалар ҳисоби.

Режа:

1. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва ундан ундириладиган ушланмалар ҳамда ажратмалар ҳисоби.
2. Таътил муддатини ҳисоблаш ва вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тўлаш тартиби.
3. Даромадга солинадиган солиқ ставкалари ва уларнинг ҳисоби.
4. Давлат ижтимоий суғурта ажратмаларининг бухгалтерия ҳисоби.

1. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни ҳисобга олишнинг вазифалари

Меҳнат муносабатларини, шу жумладан ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни юридик асосини меҳнат тўғрисидаги қонуний ҳужжатлар, корхоналарнинг жамоат шартномалари ва бошқа муайян меъёрий ҳужжатлар ташкил этади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни бухгалтерия ҳисоби 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» пассив сче­тида юритилади.

Меҳнат ва унга ҳақ тўлаш ҳисоби корхонанинг ҳисоб тизимида марказий ўринлардан бирини эгаллайди ва у меҳнатнинг сон ва сифати, истеъмолга йўналтириладиган маблағлардан фойдаланиш устидан тезкор назоратни таъминлашга қаратилган.

2. МЕҲНАТ ВА УНГА ҲАҚ ТЎЛАШНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ МЕЎЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР.

- 2008 йил 15 ноябрдан бошлаб бюджетдан молиялаштириладиган муассасасалар, ташкилотлар ва корхоналарнинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ЎзР ВМнинг 2006 йил 26 октябрдаги 218-сонли Қарори билан тасдиқланган Ягона тариф сеткаси (ЯТС)га асосан амалга оширилади. У ўз ичига 22 тариф разрядини олади ва тариф коэффициентлари орқали турли хил разряддаги иш ва ишчилар (малака) ўртасидаги меҳнатга ҳақ тўлаш нисбатини намоён этади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф СЕТКАСИ

Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари

Тариф коэффициентлари

1

2,014

22

8328

3. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА МЕҲНАТ ВА УНГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ.

Меҳнат ва унга ҳақ тўлашни ҳисобга олиш, ҳисоботни тузиш ва меҳнат ҳақи жамғармаси уцидан назорат қилиш ва ижтимоий хусусиятга эга бўлган тўловларни амалга ошириш учун субъектларнинг ходимлари, жумладан, саноат тармоғидаги субъектларнинг ишчи ва ходимлари учта гуруҳга бўлинади:

- саноат ишлаб чиқаришидаги ишчи ва ходимлар- ушбу субъектнинг асосий ёъналишида банд бўлган ишчилар ва ходимлар;

- носаноат ишлаб чиқаришидаги ишчи ва ходимлар- асосий ишлаб чиқаришга ва субъектнинг фаолиятини муқобил юритишга ёрдам берувчи тармоқларда банд бўлган ишчи ва ходимлар;

- асосий рўйхатдан ташқари ишчи ва ходимлар- пудрат шартномаси ва бошқа вақтинча шартномаларга асосан вақтинча субъектда ишлаётган ва унга хизмат кўрсатаётган ишчи ва ходимлар.

4. МЕҲНАТ ВА ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.

Ўжалик юритишнинг янги шароитида меҳнат ва унга ҳақ тўлаш ҳисобининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

солиқлар ва иш ҳақидан ушланмалар ҳам қўшилган ҳолда корхона одимлари билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китобларни ўз вақтида либ бориш;

ҳисобланган иш ҳақи ва суғуртага ажратмалар суммасини харажатлар четларига ўз вақтида ва тўғри ўтказиш;

бошқариш ва зарурий ҳисоботларни тузиш учун меҳнат ва иш ҳақи ўйича кўрсаткичларни тезкор йиғиш ва гуруҳлаш.

5. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ХОДИМЛАРИНИ ТУРКУМЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИНГ ШАХСИЙ ТАРКИБИ.

Корхонада ходимлар икки гуруҳга ажратилади:

1. Асосий фаолиятда банд булган ходимлар (саноат ишлаб чиқариш ходимлари);
2. Асосий булмаган фаолиятда банд булган ходимлар.

6. ИШ ВАҚТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ.

Ишлаган кунлари ва соатларининг миқдори ўндан бир миқдорда кўрсатилади. Табелларга қўлда ишлов берилганда (контировка) ҳарф ва сонлар билан, агарда компьютерда ишлов берилганда сонлар билан кодлаштирилади. Субъектларда табелларнинг иккита шакли қўлланилади - Т-12 ва Т-13 ва улар ёрдамида меҳнат вақтидан фойдаланиш ҳисобга олинади ва назорат қилинади.

7. МЕҲНАТ ВА УНГА ҲАҚ ТЎЛАШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.

Меҳнатга ишбай асосида ҳақ тўлашнинг жамоавий (бригада) шаклида, бутун бригаданинг иш ҳақи ҳақиқатда бажарилган иш ҳажми ва унинг баҳосини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Бригададаги ҳар бир ишчининг иш ҳақи эса, бутун бригада томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига ҳамда ишчининг умумий ҳажмдаги иш миқдори ва сифати улушига боғлиқ бўлади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай тизимиси, иш ҳақи ҳисоблашнинг усулига боғлиқ ҳолда қуйидагиларга бўлинади:

- **тўғри ишбай;**
- **ишбай-мукофот;**
- **ишбай-прогрессив;**
- **билвосита;**
- **аккорд.**

8. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ШАКЛЛАРИ ВА ТИЗИМИ.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тарифли тизими

1. Тарифли тизимнинг элементлари
2. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари

Тарифли тизими - бу, меҳнат шароитлари ва унинг оғирлиги, ишларни бажаришнинг табиий иқлим шароитлари, меҳнатнинг жадаллиги ва хусусияти инобатга олинган ҳолда, меҳнатга ҳақ тўлашни табақалаштиришни таъминлашда фойдаланиладиган меъёрлар мажмуидир.

Тариф ставкаси - бу бир бирлик иш вақти учун тўланадиган, пул шаклида ифодаланган меҳнатга ҳақ миқдори.

9. БАЖАРИЛГАН ИШЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ ТАРТИБИ.

Иш ёки хизматга қабул қилинган ҳар бир ходимга махсус табел номери бириктириладики, ушбу номер шахсий таркибни ҳисобга олувчи ҳужжатларда, бажарган ишларни тасдиқловчи ва меҳнатга ҳақ тўлаш ҳужжатларига қўйиб борилади, чунки бу номер ҳисобни компютерлаштиришда код вазифасини ҳам бажаради. Ушбу ходим бошқа ишга ўтказилганда ёки сафдан чиқарилганда унга бириктирилган номер бир-икки йил давомида бошқа ходимга бириктирилмайди. Юқорида қайд қилинган дацлабки ҳужжатга асосан (чунки буйруқнинг бир нусхаси бухгалтерияга берилади) бухгалтерияда ушбу ходимга маълумотнома ёки шахсий счёти очилиб, унда ҳар ойда ҳисобланган меҳнат ҳақи йиғилиб борилади, чунки унинг таътилга чиқишида ёки бошқа зарур ҳолатларда ҳисобланган меҳнат ҳақини текшириш, ўртача ойлик ёки кунлик меҳнат ҳақларини аниқлаш учун ушбу маълумотлар зарур ҳисобланади.

Иш вақтидан фойдаланишни ҳисобга олишда «Иш вақтидан фойдаланишни ҳисобга олиш табели», «Йиллик табел вароқлари» ва шунга ўхшаш дацлабки ҳужжатлардан фойдаланилади. Ушбу табеллар ва вароқлар субъектлар кичик бўлса, мазкур субъект бўйича, агарда катта бўлса, уларнинг бўлинмалари ёки ходимларнинг гуруҳлари бўйича очилиб юритилади.

10. ВАҚТБАЙ ВА ИШБАЙ ШАКЛИДА МЕҲНАТ ҲАҚИНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ.

Меҳнат ҳақини ҳисоблаш шакллари

Ишбай

Меҳнатга вақтбай асосида ҳақ тўлашда ходимларга иш ҳақи уларнинг ҳақиқатда ишлаган вақтидан ва лавозим маошидан (тариф ставкасидан) келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Вақтбай

Меҳнатга ишбай асосида ҳақ тўлашнинг жамоавий (бригада) шаклида, бутун бригаданинг иш ҳақи ҳақиқатда бажарилган иш ҳажми ва унинг баҳосини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

11 Суғурта ва бюджетдан ташқари жамғармаларга бўлган қарзларни ҳисобга олиш

0



Хужалик юритувчи субъектлар мулкани ва ходимларининг ҳаётларини суғурта қиладилар, ҳисобланган иш хақи, мукофотлар суммасига нисбатан белгиланган микдорда ижтимоий суғуртага ажратмалар ва бюджетдан ташқари ажратмаларни амалга оширадилар.

Суғурта ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмаларга қуйидаги:

- мулк ва ходимларни суғурта қилиш,
- давлат ижтимоий суғуртаси,
- нафақа таъминоти,
- ходимларнинг тиббий суғуртаси учун ажратмалар,
- ёнгин, авария, табиий офат,
- экологик фожиалар ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларни маблағлар билан таъминлаш учун суғурта жамғармаларини ташкил қилиш харажатлари,
- ходимларнинг ҳаётини,
- учинчи шахсларнинг мулкӣ манфаатларига келтирилган зарарлар учун фуқаролик жавобгарликни суғурта қилиш сарфлари қиради.

Ушбу ажратмалар 6500-“Суғурта ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича қарзлар” счёт таркибида қуйидаги иккинчи тартибли счётларда ҳисобга олинади:

6510 “Суғурта бўйича тўловлар”;

6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар”.

12 Суғурта тўловлари бўйича ҳисоб-китоблар счетлар тизимида қуйидагича акс эттирилади:

Суғурта тўловлари бўйича
ҳисоб-китоблар
(Зинама-зина усули)



Ҳисобот даврида суғурта тўловлари капитал қўйилмалар, ишлаб чиқариш харажатлари таркибига ўтказилганда, бух-я ҳужжатларига асосан, Дт 0810-0890, 2010, 2310, 2510, Кт 6510 счет.

2. Суғурта тўловлар тегишли жойларга ўткизиб берилганда, тўлов топшириғига асосан, Дт 6510, Кт 5110-5530 счетлар.

3. Ходимларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари суммасидан ижтимоий ажратмалар ҳисобланганда, бухгалтерия ҳужжатларига асосан, Дт 6710, Кт 6510 смети.



6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар” счёти (6510 счётида кайд килинадиган тўловлардан ташқари) тўловларнинг турлари бўйича давлат органларига қарздорлик ва субъект томонидан ҳар хил бюджетдан ташқари жамғармаларга туланадиган суммалар бўйича ахборотни умумлаштириш учун мулжалланган. Бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларни ҳисоблаш ва тулаш тартиби қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Бюджетдан ташқари жамғармалар бўйича ҳисоб-китоблар счётлар тизимида қуйидагича акс эттирилади:

Бюджетдан ташқари жамғармалар бўйича ҳисоб-китоблар
(Зинама-зина усули)




1. Корхона ишлаб чиқариш тармоқлари ходимларига ҳисобланган иш ҳақиға мутаносиб равишда ягона ижтимоий тўловлар ва Пенсия жамғармасига тўловлар ҳисобланганда, ҳисоб-китоблар ва бухгалтерия ҳужжатларига асосан, Дт 2010, 2310, 2510, 2710, 9420, Кт 6520 счёти,




2. Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга ҳисобланган тўловлар ўтказиб берилганда, тўлов топшириғига асосан, Дт 6520 счёти, Кт 5110-5530 счётлар.

14 .МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ШАКЛЛАРИ (“КЛАССТЕР” БЎЙИЧА)



ИШБАЙ ҲАҚ ТЎЛАШ ШАКЛИ (“НИЛУФАР ГУЛИ” БЎЙИЧА)





Эътиборингиз учун раҳмат